

АМИРИЙ ИЖОДИДА ИШҚ ЖИЛВАЛАРИ

Мушаррафхон Имомалиева Илхомжон қизи

ЎзРФА докторанти

Tel: (91) 2002073, e-mail: imomaliyevamusharrafxon@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада Амирий ижодида ҳақиқий ва мажозий ишқ тасвирининг туркий ҳамда форсий кўринишлари таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: тасаввуф, тимсол, образ, ишқ, мажоз, мақсад, ният, издошлик.

Амирий девонига ёзган дебчасида ўзидаги ижодга мойиллик ҳақида гапира туриб, “кўнгул ишқу муҳаббат завқиға роғиб ва замиримда ошиқона, шавқангез ғазаллар шавқи ғолиб эрди” деб ёзар экан, “ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқа” таълими бирла ҳақиқат сармашқин олур эрдим (1,26), – деб таъкидлайди. Бу билан у “Мажоз – ҳақиқатнинг кўпригидир”, – деган ирфоний таълимотга кўра мажозий муҳаббат воситасида ҳақиқатий ишқни қаламга олгани, бинобарин, ижоди илоҳий ишқ тараннумидан холи эмаслигини қайд этиб ўтади.

Маълумки, тасаввуф фалсафасига кўра илоҳий ишқ манзилига мажозий ишқ кўпригидан ўтиб борилади¹. Шунинг учун ҳам Навоийнинг “эрмиш” радифли ғазалига мухаммасида Амирий “Ҳақиқат қасрига бошлаб борадиган раҳбар бу – мажозий ишқ ҳисобланади”, – деб ёзади:

Ҳақиқат боргоҳи раҳбари ишқи мажоз эрмиш (1,375).

Бошқа бир байтида эса “Тўзаллар ишқидан юз ўғирмангки, ҳақиқий ишқ сари мажозий муҳаббат бошлаб боради”, – дея таркидунё қилган зоҳидларни ишқ йўлига чорлайди:

¹ У л у д о ф С. Тасаввуф теримлери сўзлиги. – Истанбул, 2005. – С. 239.

*Қочмангиз гулчехралар савдосидин, эй аҳли зуҳд –
Ким, ҳақиқат раҳбари ишқи мажоз эрмиш, ёнинг (1,192).*

Бундай қарашларнинг асосида эса ҳақиқий ва мажозий ишқнинг ўзаро тақозодорлик муносабатида эканлиги ғояси ётади. Зеро, “тасаввуфда мажозий ишқ (инсонга, борлиққа бўлган реал севги) ҳақиқий ишқ (Вужуди мутлаққа – Ҳаққа бўлган муҳаббат) алоҳида олиниб. унга қарама-қарши қўйилмайди. Балки мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос босқич сифатида баҳоланади. Руҳан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ўзи айна ҳақиқатдир”².

Амирийшунос олима Зебо Қобилова ҳам шоир ижоди асосан ишқий йўналишда бўлиб, “уларда мажозий ва ҳақиқий ишқ талқини ўзаро омукта бўлиб кетган”лигини алоҳида таъкидлайди. “Зоҳиран ҳаёт гўзали мадҳ этилган ғазаллар кўпинча ботинан илоҳий маҳбуба таърифига бағишланган бўлади”³.

“Муҳаббат бир вақтнинг ўзида ҳам олам ва одам гўзаллиги, ҳам илоҳий Ёр жамолига қаратилган бўлиши мумкин. Гарчи орифона фалсафада моддий оламини мажоз, Мутлақ руҳни ҳақиқат (ҳақиқий мавжудлик) деб ажратилган бўлса-да, амма бу икки тушунча батамом бир-бирига зид деб қаралмаган Аксинча, мажозий олам тасвиридан мақсад Ҳақиқатни чуқурроқ англаш, Уни инсонга яқинроқ қилиб тасаввур этиш кўзда тутилган”⁴.

Тасаввуф таълимотига кўра, Оллоҳ таоло ҳар бир яратикда у ёки бу даражада тажаллий этади, бирор-бир жон ёки нарса илоҳий нур жилвасидан холи эмас. Шунинг учун ҳам маърифат соҳиблари ҳар бир заррада Яратувчи жамоли ва камолининг инъикосини кўрадилар ва шунинг учун бутун ашё ва жонли мавжудотга муҳаббат назари билан қарайдилар. Парвардигори олам яратган нарсани севиш аслида унинг ўзини севишдир. Худди мажоздан ҳақиқатга борган каби, жонли ва жонсиз мавжудотни севиш орқали уларнинг Яратувчисига ишқ ифодаланади. Жумладан, Амирий ҳам қуйидаги байтида “Сарв қоматли гўзаллар ҳар қанча ҳуснда танҳо

² И с х о қ о в Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: “Фан”, 1983, 25-бет.

³ Қ о б и л о в а З. Муҳаббат мамлакатининг амири \ \ А м и р и й. Девон. I. Ўзбекча шеърлар, 16-бет.

⁴ К о м и л о в Н. Маънолар оламига сафар (Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар). – Тошкент: “Tamaddun”, 2012, 27–28-бетлар.

бўлмасин, улар жамолининг томошосидан мақсад аслида уларни Яратувчисидир”, – деган ирфоний ҳақиқатни бадиий талқин қилади:

*Сарвқоматларни рухсорин тамошо қилса ҳам,
Сан эрурсан муддао, ҳарчанд бўлса бори хўб (1,61).*

Илоҳий маҳбубанинг қуёшдай порлоқ юзида жилваланган нур эса дунёнинг на қуёшида бор, на ойида. Амирий бу ирфоний ҳақиқатни мана бундай бадиий талқин қилади:

*Не қамардин бўлди зоҳир, не қуёшдин ошкор
Ул тажалликим, юзунг хуришиди тобонидадур (1,97).*

Форсий байтларидан бирида ҳам “Санамлар юзини томоша қилишдан мақсад уларда илоҳий маҳбуба дийдори нури жилвасини кўришдир – бу гулистонда мен бир тикансиз гул талабидаман”:

*Аз тамошои бутон мақсуди ман дидори ўст,
3-ин гулистон як гули бехор дорам эҳтиёж (2,85).*

Ҳар қандай гул тикандан холи бўлмайди. “Беайб Парвардигор”, – деганларидек, тикансиз гул деганда ҳам тасаввуф шеърлятида барча қусурлардан холи, ҳар жиҳатдан тўқис ҳақиқий маҳбуба кўзда тугилади:

*Эй, кўзу юзунг ҳайрати осори тамошо,
Наззорайи ҳуснунг гули бехори тамошо (1,47).*

Тасаввуфий қарашга кўра, маъшуқа нози тифининг қурбонига айланган ошиқ қайтанга жон топади. Чунки илоҳий ишқда вужуд эмас, руҳ висолга етади. Вужуд аслида бу йўлдаги тўсиқдир. Шунинг учун ҳам ишқда фано бўлган аслида бақога эришади⁵. Мана бундай байтлардан мақсад шу:

⁵ У л у д о ф С. Тасаввуф теримлери сўзлиги, 70-бет.

*Ишқ йўлида фано ўлмак эрур айни бақо,
Кимки ўлди ханжари ноз ила, қурбон топти жон (1,280).*

Бу дунё ғаму ташвишларини унутишнинг энг яхши воситаси илоҳий ишқ ҳисобланади. Илоҳий ишқни тасаввуф шеъриятида май тамсил этади⁶. “Тасаввуфда май ишқ туғени, илоҳий тажаллиёт, пок ишқ. Илоҳий нурнинг сўфий қалбидаги жилваси”⁷. Бу шеъриятда ошиқнинг майдан нажот исташининг сабаби шунда. Амирий ҳам “Қошингга текузмағил қаламни” номли машҳур ғазалида салафларига эргашиб: “Бир коса арғувондай қизил май ҳар қанча ғам ҳужумини даф этади”, – деб ёзади:

*Бир коса шароби арғувоний
Помол қилур ҳужуми ғамни (1,345).*

Манбаларга таяниб мажозий ишқ ҳақиқий ишқнинг сояси, мажозий ишқ – восита, унинг самараси ҳақиқий ишқ, дейдиган бўлсак, бунда ҳам авом ишқида бўлганидек, висол ҳижронга ўрин бўшатиб беради. Мажозий ишқ булоғини очиш учун дастлаб дард бўлиши керак. Дард бўлган тақдирда ошиқлик чинакам ва ҳақиқий тус олади. Шунингдек, дард бўлган маҳалда ошиқ қалби ва руҳиятида покланиш жараёни кечиби, ошиқ бу йўлда учрайдиган ғов ва тўсиқларни мардонавор енгиб ўтишга бел боғлайди, машаққат юқини елкасига олади. Ҳақиқий севги боқий зот Оллоҳ таолони севмоқдир. Мажозий ишқ – бир фоний вужудни, инсонни севишдир. Мажозий ишқ ҳақиқий ишққа етказди. Ҳа, мажоз ҳақиқатга элтувчи кўприқдир. Мажозий аталмиш инсон ишқи ҳам бандани маърифат туфайли бир кун Оллоҳ таоло муҳаббатига олиб бориши мумкин.

Бир форсий байтида эса “Агар мажозда ҳақиқат бўйи бўлмаса. ё маъшук ҳусни даражасини ҳис қилолмаймиз, ёки унга бўлган муҳаббатимиз чин эмас”, – деб киноя қилади:

Нест бўи ҳақиқате ба мачоз,

⁶ У л у д о ф С. Тасаввуф теримлери сўзлиги, 248-бет.

⁷ А б д у к о д и р о в А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати (иккинчи китоб). – Хўжанд: Раҳим Жалил номидаги давлат нашриёти, 2002, 17-бет.

Хусни маъшуқу ишқи мост галат (2,175).

Амирий Шарқ мумтоз сўз санъатида мавжуд анъаналар доирасида ижод қилган. Ирфоний ғоялар тарғиби, илоҳий ишқ тараннуми эса бу адабиётнинг етакчи хусусияти эди. Шоҳ-шоир ижодида ҳам ҳақиқий ва мажозий ишқ тасвири ўзаро уйғунлашиб, бир-бирини тўлдириб ва бойитиб келганини кўрамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Amiriy. Devon. I. O'zbekcha she'rlar (Nashrga tayyorlovchilar A.Madaminov, E.Ochilov, Z.Qobilova, O.Davlatov). – T.: “Tamaddun”, 2017.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011
3. Пўлатжон Қайюмий. Тазкираи Қайюмий (нашрга тайёрловчи Қаюмов А.). – Т.: ЎзР ФА Қўлёмалар институти тахририй нашриёт бўлими, 1998. – Б. 108.
4. “Қуръони карим” ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур таржимаси. Тошкент-1992